

# **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЙИНИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ**

**Санақурова Зарифа Шавкат қизи, магистр**

**Абдуллаева Феруза Абдулла қизи, магистр**

**Жиззах давлат педагогика институти**

**Аннотация:** Мақолада психология фанларини ўқитишда ишбилармонлар ўйинидан фойдаланишниң баъзи жиҳатлари очиб берилган бўлиб, бу борада биз инновацион таълим технологияларидан психология фанларини ўқитишда фойдалансак талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришда белгиланган талаблар даражасида шакллантириш имконини беради.

**Калит сўзлари:** инновация, таълим, технология, психология фанлари, талабалар, илмий дунёқараш, юксалтириш, талаблар даражаси.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олевучи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд гояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилияtlарини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Шу сабабли ҳам хозирда педагогик инновацияни яхлит мураккаб жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари,

функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинмоқда. Бу борада биз инновацион таълим технологияларидан психология фанларини ўқитишида фойдалансак талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришда белгиланган талаблар даражасида шакллантириш имконини беради.

Демак, бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқарашини юксалтириш – илм-фан, техника-технология, маънавият, маориф, санъат ва шу кабиларни ривожлантириб, уларнинг ҳозирги ҳолатини янги сифат босқичига кўтариш дегани экан. Бугунги кунда ана шундай натижаларни қўлга кирита оладиган мутахассисларни тайёрлаш ўта масъулиятли ва долзарб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, замонавий мутахассисларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам улар ўзларининг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиёти савияларга мос ҳолда мунтазам равишда юксалтириб боришдан иборатdir.

Бунинг учун психология фанларини ўқитишида талабалар фан асосларини мукаммал ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида фаол иштирок этишлари ва уларни қизиқиз билан ишлашларига имкон берувчи самарали усулларидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада психология дарсларида ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда ишбилармон ўйиндан фойдаланиш юқори натижаларни беради.

Ишбилармонлик ўқинларидан фойдаланишда талабаларнинг мустақил, ижодий ва амалий иш бажариш қобилияtlари намоён бўлади ҳамда ривожланади. Олдин эгаллаган билим ва кўникмаларни бойитиш, янги вазиятларда қўллаш имкониятлари очилади.

Ишбиламонлик ёки ролли вазиятли ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда матнли материал ўрнига талабалар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар ўқув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

Үргатувчи: умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва тахлил қилиш;

Ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-мухит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;

Мотивацион: талабаларни ўқув фаолиятига унданмоқ, мустақил хulosага келишишга рағбатлантиромок;

Тарбиявий: маъсулиятни коммуникативликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва вазиятларини, машғулотларнинг белгиланган шаклида амалга ошириш қўйидаги асосий йўналишлар бўйича содир бўлади:

1. Дидактик мақсад талабалар олдига вазифа кўринишида қўйилади.
2. Ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунади.
3. Унинг воситаси сифатида ўқув материалидан фойдаланилади.
4. Ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа элементини киритиши.
5. Дидактик вазифани мувофақиятли бажарилиши ўқин натижаси билан боғланади.

Ишбилармонлик ўйини ролли ўйиндан қандай фарқ қиласи?

Ишбилармонлик ўйини иштирокчиларига ўйин сюжети таклиф этилади. Унда, баён қилинган ҳаётини вазият бўйича, иштирокчилар олдига фаолиятнинг битта умумий мақсади қўйилади: таклиф қилинган муаммони ечиш.

Шу билан бир вақтда, ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариш керак. Шунинг учун, ечимни ишлаб чиқиш жараёни индивидуал – гурӯҳли характерга эга: ҳар бир иштирокчи, аввал ўзининг ролли мақсадига мувофиқ қарор қабул қиласи, кейингиси гурӯҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий ролли мақсадни бажарилиши бутун гурӯҳ аъзоларининг натижаларига боғлиқдир. Одатда ишбилармонлик ўйини давомида муаммони ечиш бир нечта босқичда содир бўлади (2-3тадан 10тагача ўйини мобайнида).

Қатнашчилар фаолиятини баҳолаш якуний ва оралиқ даврдаги күрсаткичлар бўйича амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш ўзини давомида қатнашчилар фаолиятига таъсир кўрсатиш, олдига қўйган вазифаларни мустақил амалга оширишга имкон беради.

Якуний баҳолашда талабаларнинг ташкилий фаолияти ва улар томонидан ўйиннинг ролли мақсадларини бажарилишини ҳисобга олинади.

Натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришга ишбилиармон ўйинни қўллаш қуидагича қатор таълимий афзалликларни қўлга киритиш имкониятини берар экан:

- ўқитишининг ижодий муҳити яратилади;
- талаба сифатли ва ишончли ўқув-дидактик ва интеллектуал маълумотлар билан таъминланади, яъни улар шуғулланаётган соҳаси бўйича ўзлари илм-фан ва техника-технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлади;
- ишбилиармонлар ўйини барча турдаги ўқув машғулотларида компьютер дастурларининг қўлланилишини таъминлашга имконият яратади;
- мустақил таълим олишларига шароит яратади, яъни уларнинг касбий фаолиятида, мустақил ҳолда, билимлар эгаллашларида ишончли усуллардан бўлиб, ўзлаштириш лозим бўлган билим кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Бундай ўйиннинг диққатга сазовор томони шундаки, бўлажак мутахассис ўз касбий фаолиятини такомиллаштиришга онгли ва ижодий ҳолатда ёндашади.

Демак, ишбилиармонлар ўйинидан фойдаланиш ижодий ташкилий-педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури»да қайд этилган рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин экан.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.
- 2.Н. Боймуродов. “Амалий психология” Тошкент 2008 йил, 266 бет.
- 3.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Холикова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
- 4.Kamolova, S. (2022). Ўқитувчи педагогик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослари. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114>
- 5.Shirin Kamolova, Расширение И Развитие Научное Мировоззрение Студентов , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
6. Shirin Kamolova, Самовоспитание – основа формирования гармонично – развитого поколения , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
- 7.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamnaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
8. Shirin Kamolova, The Role Of Universal And Scientific Values In The Spiritual Development Of Future Teachers , Журнал Педагогики и психологии в

- современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
9. Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
10. Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
11. Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
12. Kamolova, Sh. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>
13. Shirin Kamolova, РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
14. Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.
15. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
16. Qarshiboyeva, G. ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
17. Qarshiboyeva, G. ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.

18. Qarshiboyeva, G.OILADA BOLALARNI XALQ OG ‘ZAKI IJODI NA’MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
19. Qarshiboyeva, G.ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.
20. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
21. Каршибаева, Г. А. Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
22. Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
23. Каршибаева, Г. А., Н. Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
24. Каршибаева, Г. А. Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
25. Каршибаева, Г. А. Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.